

# АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»  
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИНГ  
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ  
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА  
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 17 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА • СOTУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 08 (556)

E-mail: adolatgazeta@sarkor.uz

## Ушбу сонда:

ОМБУДСМАН  
ХИСОБОТИ  
ТИНГЛАНДИ

СИЁСІЙ ФАОЛЛИК  
ЕТАКЧИ ОМИЛ

хуқуқий  
маданият

2

МАҚТАБДАГИ  
МАҚРЛАР

қилмиш-қидирмиш

ЕВРОПАДА  
ПАРРАНДА ВИРУСИ

хориж хабарлари

3

ЯНГИ ВА  
ХИЛМА-ХИЛ

Психолог маслаҳати

ИБН СИНОНИНГ  
БОЛАЛИГИ

Заррабин воқеаси


4

### Миллий маҳсулот

## Жаҳон бозорига экспорт

Зохир ТУРАҚУЛОВ,  
«Адолат» мухбири

Самарқанддаги «Жаҳон» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси Украина саноатчиларининг бир гуруҳи билан шартнома имзолади. Унга мувофиқ мазкур мамлакатга катта миқдорда турли диаметрдаги пласстмаса қувурлар экспорт қилинадиган бўлди.



Суратда: Цех оператори Азамат Қаҳҳоров маҳсулотларнинг сифатли ишлаб чиқарилишида доимий назоратни олиб боради.

Шаҳарнинг яқин вақтларга ҳаётида саноат ҳудуди ҳисобланган Фарҳод кўрғонидан иш бошлаган мазкур корхона бутун жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган маҳсулот билан маҳаллий ва хорижий буюртмачиларни тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган қувурлар газ саноати ва коммунал хўжалиги эҳтиёжларига мос келиши, фойдаланиш муддатлари эса 4-5 марта ортаганлиги билан ҳам шундай қизиқишга сабаб бўлмоқда. Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари газлаштириш идораларига ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча ўн километр узунликдаги қувурлар етказиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Жаҳон» корхонаси Германиянинг «Симлис» фирмаси томонидан тайёрланган юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган.

Корхона бош технологи Расул Мирмухаммедовнинг таъкидлашича, бозор эҳтиёжини ўрганиш, сифатни яхшилаш, оқилона нархларни қўллаш орқали «Жаҳон»нинг рақобатда қўли банд келмоқда.

Айни пайтда корхонада суткасига 8-9 километр узунликдаги пластмасса қувурлар ишлаб чиқарилмоқда. Агар биригина Самарқанд шаҳрида бугун сув қувурлари ва канализация тармоқларининг 70 фоизи янгилинишга муҳтож эканлигини назарда тутадиган бўлсак, корхона тез орада катта миқдордаги буюртма олиши мумкинлигини тушуниш қийин эмас. Маҳсулотнинг бир қисми экспортга жўнатилаётгани эса корхонанинг валютасиз маблағларини қўпайтириш имконини бермоқда.

### Олий Мажлисида

## Ҳамкорлик истиқболлари

Музаффар АБДУШУКУРОВ,  
«Адолат» мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибни тасдиқлашди. Шундан сўнг «Хавфли ишлаб чиқариш объекти»нинг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Абдулла Абдуназаров маълумот берди.

— Ушбу қонун лойиҳаси инсоннинг ҳаётий манфаатларини хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авариялар ва уларнинг оқибатларидан ҳимоялашнинг нормаларини ўзида мужассам этган, — деди у. — Лойиҳа амалдаги саноат хавфсизлигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чет эл тажрибасини ўрганиш асосида яратилган. Шу билан бирга қонуннинг қабул қилиниши натижасида ишлаб чиқаришда жароҳат олиш чора-тадбирларини молиялаштириш ва юз бериши мумкин бўлган аварияларда етказилган зарарни қоплаш заҳираси яратилиши кўзда тутилган.

Мужоамада таъкидлангандек, мамлакатимизда фаолият юритаётган саноат корхоналари орасида кишилар ҳаётига, атроф-муҳитга хавф солаётган корхоналар ҳам мавжуд. Маълумотларга кўра, бундай корхоналарда 2000-2005 йилларда 13 та авария, 676 та бахтсиз ҳодиса юз берган. Бунинг оқибатида 189 киши ҳалок бўлиб, икки содиретга 3 миллиард сўмга яқин зарар етказилган. Қонун лойиҳаси эса айнан шу каби нохуш ҳолатлар олдини олишга қаратилган. Мазкур ҳужжатда хавф-

ли ишлаб чиқариш объектининг аниқлаш мезони ҳам белгилаб қўйилган. Қолаверса, қонун лойиҳасида саноат хавфсизлиги экспертизаси, мажбурий сугурталаш, давлат назоратидан ўтказиш, етказилган зарарни аниқлаш ва қоплаш механизмлари ҳам кўрсатиб берилган.

Мужоамада қатнашган депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиш учун концептуал асос борлигини таъкидлаб маълумлашди. Шундан сўнг Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсманнинг 2005 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилди. Таъкидланганича, Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсон манфаатларига қаратилган қонунларни такомиллаштириш ва уларнинг амалдаги ижроси устидан мониторинг ўтказиш бўйича самарали иш олиб борилган. Шу босқичда депутатлар Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботини қабул қилдилар.

Шундан сўнг қўйи палатага Россия Федерацияси Давлат Думасининг Раиси Борис Грызлов бошчилигида бир гуруҳ делегация аъзолари ташриф юришти. Айтиш лозимки, Россия Думаси делегацияси таркибидagi депутатларнинг аксарияти бу даргоҳда биринчи бор бўлишлари эмас.

— Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасида имзоланган Иттифоқчилик шартномаси жуда муҳим сиёсий ҳужжат ҳисобланади, — деди Борис Грызлов. — Биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаш йўлидан борамиз. Бу икки

давлат тенг асосларда илтироз этилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евросиё Иқтисодий Ҳамжамияти, МДҲ каби ташкилотлар доирасидаги муносабатларда ҳам ягона қарашларга эга. Биз жуда кўплаб масалалар бўйича келишиб олдик. Хусусан, Парламентларо ҳамкорлик доирасида депутатлар гуруҳларини тузишга қарор қилинди. Парламентларо алоқалар билан шугулланганидан бундай гуруҳлар Россия парламентида ҳам, Ўзбекистон парламентида ҳам фаолият кўрсатади. Уйлаيمанки, бундай гуруҳларнинг иш юритиши парламентларо ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Минтақавий ва дунё миқёсидаги интеграциялашув жараёнини тезлаштириш, хавфсизликни таъминлаш бўйича стратегик тадбирларни ишлаб чиқиш ва бошқа йўналишдаги умумий ёндашувлар, ҳар икки мамлакат қонуношусларининг фикрича, мустақам қонунчилик базаси яратишни талаб этади. Парламентларо янада мустақам ҳамкорликни қўллашмоқда ва, айтиш мумкинки, бугунги мулоқотларнинг мазмунига кўра, шериқликдаги ҳаракатларнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Евросиё Иқтисодий Ҳамжамияти доирасидаги шартномалар, бошқона қонунчилигини соддалаштириш, тариф сиёсатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадбирлар бунда муҳим ўрин тутди. Қонун ижодкорларининг фикрича, бундай миқёсдаги иш учун уларда етарли тажриба мавжуд. Олий Мажлис ва Россия Думаси келгусида бўладиган учрашувларни ҳам белгилаб олди.

### Муносабат

## Самарқандлик ошмоқда

Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқинлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маълумотларга кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ислохотлар самараси саноатнинг жадал суръатларда ривожланиётгани ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидлади. Хусусан, ўтган йили юртимизда саноат ишлаб чиқариш 7,3 фоизга ўсди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 17,7 фоизга ортди.

Бунда хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши, мавжуд саноат корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш яқини самара бераётди. Тошкент вилоятидаги «Янгиўл ёр-мой» оқиқ акциядорлик жамияти ана шундай корхоналардан бири.

Ҳозир бу ерда пахта техник чигити қайта ишланиб, ёғ, хўжалик совуни, тозаланган ёғ кислотаси, шрот ва шулха каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. «Янгиўл ёғи» ва «Янгиўл совуни» ёрлиги билан чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг юқори сифатлилиги билан харидорларга манзур бўляпти.

Етти юздан зиёд киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада асосий хом ашё Тошкент вилояти «Пахта саноат» ва «Навоий пахта саноат» акциядорлик бирлашмаларига қарашли пахта тозалаш заводларидан келтирилади. Ёғ ишлаб чиқаришда ишлатиладиган экстракцион эса савдо биржалари орқали олинаётди.

— Инвестиция лойиҳасига биноан ўтган йилнинг ўзида хорижий ишбилармонлар томонидан бир миллиард сўмдан зиёд сармоя киритилди, — дейди корхона раҳбари А.Ваҳобов. — Маҳсулот ишлаб чиқариш узлуқсизлигини таъминлаш мақсадида эскирган ускуналар ўрнига янги, замонавий жиҳозлар ўрнатилди.

Ўтган йили бу ерда янги электр подстанция ишга туширилди. Форпресс, фильтрловчи, ковриш ускуналари ҳамда машур «ALFA-LAVAL» компанияси сепараторлари иш унумдорлигини кескин ошириш имконини берди. Натижада сал кам 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Акмал НАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири

### Қарор ва ижро

## Танлов адолатли ўтди

Президент Ислам Каримовнинг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар) ни фермер хўжалиқларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жойларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарорда ерни ҳаққий эгасига топшириш ва тендер танловларини адолатли, ҳаққоний ўтказиш бўйича жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган эди.

— Бу борада бизнинг ходимларимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилди, — дейди Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани прокурори Иномжон Ҳамроқулов. — Ширкат хўжалиқларини тутатиш бўйича белгиланган тадбирларни адолатли ва ҳолис ўтказиш, тендер материалларини ўрганиш жараёни изчил келди. Хусусан, тумандаги «Ийк ота» ширкат хўжалиги ҳам тутатилиб, унинг тасарруфидagi экин майдонлари ўз эгаларига топширилди. Мазкур хўжалиқнинг бир минг 664 гектар ер майдони 33 та лойиҳага ажратилди. Ҳар бир лойиҳага салкам туртадан талабгор турти келди.

Текширишлар шуни кўрсатдики, танлов тўлиқ адолат тамойилларига асосланиб ўтказилган. Айни пайтда комиссия фаолияти устидан бирор-бир шикоят тушмаган.

— Мен йилгирма икки йилдан буён мана шу хўжалиқда меҳнат қиламан, дейди танлов голибларидан бири Муроджон Қодиров. — Айни пайтда қадар хўжалиқда бош пудратчи бўлиб ишлаб келдим. Ҳар йили галла ва пахта етиштириш мақсадини ортгани билан уйдлашга эришдим. Танловда ана шулар ҳам инобатга олинди, менга 64 гектар ер берилди.

ЎЗА

### Аниқ рақам

## Маблағлар мақсадли сарфланди

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Раёсатининг ййғилишида партиянинг 2005 йилдаги молиявий ҳисоботи тингланди



Равшан ХАЙДАРОВ,  
«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби:

— Партиянинг 2005 йилда тасдиқланган бюджетини бундан давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 134 606 550 сўмни, бюджетдан ташқари тушумлар 10 477 899 сўмни ташкил этди. Тушумларнинг асосий қисми Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашларининг таъминоти, кўргазмалар тартибот-ташвиқот тадбирлари, семинар-тренинг, конференциялар ҳамда «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятининг сарф-харажатлари учун ажратилди.


Таъкидлаш жоизки, партия бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланди ва тасдиқланган бюджет меъёрлари доирасида фаолият кўрсатди.

Энг муҳими, «Сиёсий асосларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун палатасида партиянинг молиялаштирилиши Марказий аппарат ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятининг жонланишига туртки бўлди. Жойларда тартибот ва ташвиқот ишлари қўпайтирилди. Бунинг оқибатида фуқаролар билан самимий мулоқотда бўлиш, аъзолар сафини кенгайтириш имкониятига эга бўлинди.

### Болалар спорти

## Алломиш Барчинойлар юрти бу

унда камол топаётган ҳар бир ўғил-қиз жисмонан соғлом, маънан етук бўлади



Юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, мустақил дунёқарашини шакллантириш, онгу шуурида Ватанга садоқат ва эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилувчи соҳа — болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўз фаолиятини ана шу эзгу истақларимизни рўйга чиқаришга болаган.

Жамғарманнинг Тошкент шаҳар филиали болалар спортини ривожлантириш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Пойтахтимизда мазкур филиал мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган маъбуот анжуманида шу пайтгача қилинган ишлар ва 2006 йилга белгиланган режалар хусусида гап борди.

(Давоми 4-бетда.)

### Тадбиркор нима дейди?

## Сансалорлик тоқайгача?..

Жумабой ХОЛБОЕВ,  
Қўшқўпир туманидаги «Иқбол» хусусий фирмаси раҳбари

— Мен 1994 йилдан буён Қўшқўпир туманида лицензия асосида дори-дармон савдоси билан шугулланиб келаман. Харидорларга қўлай шарт-шароит яратиш, фаолиятни кенгайтириш мақсадида 2001 йили қурилиш учун ер майдонини сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Шундан сўнг туман ҳокимининг Қўшқўпир шаҳарчаси, Мустақиллик кўчасида жойлашган Сув хўжалиги бошқармаси ҳудуддан хусусий дорихона қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш бўйича фармойиши асосида комиссия ташкил этилди. Комиссия раиси, туман ҳокимининг ўринбосари САБдуримов, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи К.Орпқов ва бошқа аъзолар имзои билан менга ажратилган 135 метр квадрат ер майдони барча талабларга жавоб бериши тўғрисидаги далолатнома тузилди. Ушбу пайтдаги туман ҳокими Б.Ражабов комиссиянинг ушбу далолатномасига асосан 2001 йил 9 июль кунини менга ер ажратиш тўғрисида 371-сонли қарорини чиқарди. Биз булун оиламиз билан фаолиятимиз ва бизнесимиз ривожланишидан хурсанд бўлиб, қурилиш ишларини бошламоқчи бўлиб турганимизда туман ҳокими ўзгарди. Собиқ ҳокимнинг 371-сонли қарори чиқмасдан олдин тузилган далолатномага имзо чеккан раҳбар ходимлар негадир қурилиш ишларига тўсқинлик қила бошладилар. Бундан норози бўлиб бир неча марта туман ва вилоят ҳокимлигига шикоят қилдим. Лекин ҳеч бири самара бермади. Нихоят вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. 2002 йил 24 июнда бошқара бошлигининг биринчи ўринбосари Г.Собиоров имзои билан жавоб хати олдим. Унда жумладан шундай дейилган: «... Текшириш натижасига кўра Қўшқўпир туман ҳокими номига сизга белгиланган ер майдонини ҳаққикатда ажратиб бериш ва натижаси ҳақида вилоят Адлия бошқармасига ёзма равишда хабар қилиш тўғрисида тақдирнома киритилганлигини маълум қиламан!»

Афсуски, бу ҳам қозғоқда қолиб кетди. Ҳокимлик томонидан 2001 йил 9 июлдаги 371-сонли қарорга ўзгартириш қилиниши тўғрисида 2002 йил 6 август кун 422-қарор қабул қилинган. Энг қизиғи, бу қарорда «Мустақиллик кўчасидаги фойдаланилмай турган ердан 144 метр квадрат ер ажратилсин» деб кўрсатилган, ҳолос. Ер қайси ҳудудда жойлашганлиги, ижроси хусусида ҳеч нарса дейилмаган. Бундан ташқари, бу қарор чиқишидан умуман хабарини йўқ. Шу бугунги кунга қадар қарор нусхасини ҳокимлик менга бермаган.

Туман ҳокимлигининг тадбиркорлик фаолиятимга аралашувига қонуний баҳо беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига даъво аризаси киритдим. М.Бобонова расмийда бўлиб суд мажлисида ҳам иш юзакчи қўрилиб, даъво аризам рад қилинди. Суднинг бу хал қилув қарори апелляция инстанциясида бекор қилиниб, қайтадан қўриш учун юборилди. Лекин ҳанузгача натижа йўқ.

Бу сансалорлик ва югур-югурлар тоқайгача давом этаркан?... Нохотки, ҳукуматимизнинг тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун ва қарорлари қўшқўпирлик раҳбарларга тааллуқли бўлмас.

## «Адолат»га обуна бўлинг!

Республикамызнинг барча почта ва алоқа бўлимларида «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетасига 2006 йил учун обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 100



Фармон ва ижро

Маслаҳат гуруҳи

Ш. МИРЗАЕВ, Тошкент шаҳар Ҳамза туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врач...

Касаначилик — янгича мулкый имконият

Қадр топаётган ҳунар



Комил САХАТОВ, "Адолат" мухбири

Бугунги кунда Чирочки туманида унлаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар туманнинг иқтисодий юксалишига катта ҳисса қўшишга...

дея сўз бошлади у биз билан суҳбатда. — Очиги, сўнгги йилларда иқтисодий аҳолининг қийинлашгани туфайли ишчи-ходимларимиз сонини камайтиришга мажбур бўлдиқ...

— 1994 йилдан буён касаначилик билан шуғулланаман, — суҳбатимизга қўшилди цех тивувчиси Гулбахор Ҳужамуродова. — Илгари касаначилар меҳнати уналик иқтимоий жиҳатдан хийомланмаган эди...

Тадбир

"Ташаббус — 2006"

Беқобод туманида аъшнавий кўрик-танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди



Унда "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер", "Энг яхши ҳунарманд" номинациялари бўйича тадбиркорлар иштирок этди. Биринчи ўринни "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича "Кварк-плюс" хусусий корхонаси раҳбари А.Воситов кўлга киритди...

Қилмиш — қидирмиш

Мактабдаги макрлар

Абдурашид ЖУРАЛОВ, Касби туман прокурори

Халқ таълими соҳасида ишлаётган ўқитувчи-мураббийлар ўз касбининг билимдони бўлиши билан бирга инсоф ва диёнат нуқтаи назаридан ҳам барибга ўрнак бўлиши лозим. Ақс ҳолда, куш уясиде қурганини қилгани деганларидек, унинг диёнатсизлиги ўсиб келаётган мурғак авлоднинг тарбиясига жиддий зиён етказиши, бундан фақат жамият зарар кўриши мумкин...

Хориж хабарлари

Европада парранда вирус

Саодат тайёрлади



Италияда 21 та оққушда парранда гриппи вируси кузатилиб, улардан 20 таси ушбу касаллик туфайли ҳалок бўлди, деди мамлакат солиқчи саклаш вазири Франческо Стораче махсус матбуот анжуманида. Падуя шаҳридаги махсус изланувчилар маркази олиб борган лаборатория кузатувлари натижасига кўра, H5N1 вирусининг юқори кўриниши беш ҳолатда намойён бўлган...

Бағдод банкларининг бирида портлаш

Бағдоднинг шарқий ҳудудиде содир бўлган портлаш оқибатида 5 киши ҳалок бўлиб, 30 нафардан ортиғи жароҳатланди.

Полиция махкамасининг маълумот беришича, ўз жонига қасд қилган ҳарбий — шайх Ироқ пойтахтидаги банкларнинг бирида озқоқат ун дотация олиш илтижиде йиллиб турган омма ичиде ўзини портлатган. Содир бўлган воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда, дея маълум қилди Reuters ахборот агентлиги...

Филиппинда ҳам ...

Филиппин пойтахти Маниланнинг ҳам таъминланган аҳолиси истижомат қилувчи Тондо туманида граната портлаши оқибатида 9 нафар инсон ҳалок бўлди. Полиция вакилларининг хабар беришича, бу ҳодиса ичинлик сотиш билан шуғулланган фирма мижозлари билан тўрт нафар босқинчи ўртасидеги олиш пайтида содир бўлган. Босқинчиларнинг бири гранатани қўлига олган пайтда қўлига граната портлаш келган. Оқибатда босқинчилар ва яна 5 киши ҳалок бўлган, 16 киши жароҳат олган...

Жараён

Фуқаролик фахри

Олим ҲАКИМОВ, "Адолат" мухбири

Бу ерга ҳамма бирор бир юмуш билан келган. Кимгадир чет элга чиқиш унун рухсатнома керак бўлса, яна кимдир янги паспорт олиши лозим. Ва яна бирор... Ҳуллас, иш қизгин. Раҳбарнинг ёнидан чиқаётган фуқароларнинг юзларида қувонч зоҳир. Демак, мушқули осон бўлган. Иши битган. Баралла раҳмат айтиб ҳам борки, улар зиммамизга катта масъулият юклайди. Бўлимимиз томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида 14400 нафар фуқарога паспорт берилди. Уларга қўлай шарт оратиш, узок вақт кутиб қолмасликларини учун бўлимда нуска қўчириш, давлат божни тўлови, суратхона, умумий овақлатиш ва дам олиш хоналари ташкил этилган...

Солиқ

Фаровонлик манбаи

Шаҳобиддин ШАЙМАТОВ, Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Вилоятимизда пул муомаласини барқарорлаштириш, ҳудудимиздаги истеъмол бозорларини хариддорлар товарлар билан тўлдирдиш, бандан ташқари пул айланишини камайтириш борасида қўлгана тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 2273 та савдо объекти бевоасита, 3034 та савдо объекти эса 26 та бирлашган касса орқали инкассация қилишга эришилди. Утган йил давомида нақд пул тушумига эга бўлган савдо объекти касса рақамлари маълумотлари асосан 360 дан ортиқ текширишлар ўтказилди. Уларнинг аксариятида қонунбузарлиқ ҳолатлари аниқланди, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, 171 ҳолатда назорат-касса машиналаридан фойдаланилмаган, 9та ҳолатда чипта берилмаган, 13 ҳолатда эса назорат-касса машинаси ўрнатмасдан фалсафий юриллаётганлиги аниқланди. 108 та юридик шахс инқисобдан 85516,5 миң сўм, шунингдек, 49 та жисмоний шахсга инқисобдан 37607 миң сўм молиявий жарима қўллангани...

Жаҳон парламенти: Қозоғистон

Палата мажлиси ошқора ўтади

С.ЖАББОРОВА, "Адолат" мухбири

Қозоғистоннинг замонавий парламенти асослари республика Конституцион комиссия томонидан ишлаб чиқилган. Бундан ташқари Хусоб қўмитасининг ҳисоботини тасдиқлайди. Бундан ташқари, Ҳукумат Дастируни қўллаб-қувватлаши, рад этиши ёхуд унга ишонсизлик вотумини эълон қилиши мумкин. Республика парламенти ўз иштини сессия асосда олиб боради. Унинг сессиялари палаталарнинг қўшма ёки алоҳида мажлислари, бюроси, мунтазам қўмита ва комиссияларидан иборатдир. Сессиялар йилда бир бора ўтказилиб, сентябрь ойининг биринчи ва июннинг сўнгги иш кунига қадар бўлиб ўтади. Парламент сессиялари Сенат ҳамда Мажлиснинг қўшма мажлисида очилади ва яқунлаштирилади. Сессиялар республика Президенти, у ишироқ этмаган ҳолларда Мажлис Раиси томонидан очилади. Сенат ва Мажлис Регламентига кўра, ўтказилмаган мажлислар тартиби ва шарт-шароитини Парламент Раиси белгилайди, таркибдаги орган ва ташкилотлар фаолиятини шакллантиради. Шунингдек, палаталарнинг ваколатли депутатлари ва юқори лавозимли шахслар иштини ташкиллаштирилади. Палаталар мажлислари очилганда, қозоқ ва рус тилларида олиб борилади. Мамлакат қонунчилигига кўра, Парламентнинг гўнаҳвор мажлисини Мажлис раиси чакириб, бу ҳақда палаталар депутатларини етти кун олдин огоҳлантириб қўйиши керак. Йилгили санасини ҳукуматнинг республика бюджетини, шу...

Фермер саховати

Пахтабодлик фермер Ойтоҳижон Аҳмедова беш миллион беш юз миң сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатди. Бу маблағ фермер яшайётган Ҳунар қишлоғидаги иккита мактаб, қишлоқ врачлик пункти, туман марказий шифохонасини таъмирлашга ва кўчаларни асфальтлашга, кўп бодали оилаларни моддий таъминотига сарфланган. Эндилдида опакон ногирон ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг уйини газлаштиришда ёрдам беришни мўлжаллаб турибди.

Ҳамжиҳатликда гап кўп

Андижондаги уй-жой мулкдорлари ширкати жамоалари буш ётган ерларни ободонлаштириш ва улардан фойдаланиш رهжасини ишлаб чиқарди. Мазкур режани амалга оширишда шаҳар ҳокимиятининг қарорига кўра, қурилиш нуқталарининг пойдеворини тиклашда бегараз ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, аҳолига ва ширкат жамоаларига саноят корхоналари, қурилиш ташкилотлари, тадбиркорлар ёрдам қўлини чўзади.

ТАФЛАККУР

ЧИРОҚ ОҒТОБ ОЛДИДА ЎЗ ЗИЁСИНИ ЙЎҚОТАДИ

